

Ishonch

2019 йил 24 октябрь • пайшанба • № 130 (4259)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саноатни ривожлантириш, нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга мунтазам етказиб бериш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йилнинг 9 ойида ишлаб чиқариш ҳажми, прогноз параметрларининг бажарилиши бўйича ҳисобот берди. Қайд этилганидек, шу вақт мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 234,7 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 фоизга ўсган. Унинг 6,5 фоизи иқтисодиёт «драйвери» – ишлаб чиқарилган саноат хиссасига тўғри келган.

Хусусан, автомобилсозликда катта ўсиш суръатлари таъминланган. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан энгил автомобил ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз, юк машиналари 33 фоиз, автобус 3,8 марта, автомобиль двигателлари 45 фоиз ошган.

Бошқа тармоқлар бўйича олганда, трикотаж мато ишлаб чиқариш 26 фоиз, чарм маҳсулотлари 22, цемент 18, кабель ўтказгичлар 23, истеъмол товарлари ҳажми қарийб 16 фоиз ўсган.

Худудлар кесимида энг яхши кўрсаткич Андижон, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ривожига эътибори, бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлари самарасида юртимизда тадбиркорлик муҳити тубдан

яхшиланди. Буни жорий йил бошидан буён жами 72 минг 400 та, саноат тармоқларида 16 мингга яқин янги кичик бизнес корхоналари ташкил қилинганида ҳам кўриш мумкин. Жами кичик саноат корхоналари сони 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга кўпайган.

Тадбиркорларнинг саноатдаги улуши ҳам сезиларли ортмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес корхоналари томонидан жами 81 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,5 фоизини ташкил қилади.

Саноат ривожини экспорт ҳажмининг 24 фоизга кўпайишини таъминлади. Жумладан, энгил автомобиллар экспорти 3,3 марта, автобуслар 2 баробар, юк автомашиналари 1,5 марта, трансформатор ва аккумуляторлар 2,7 марта, кабель ўтказгич маҳсулотлари 2,2 баробар, пойабзал 2,1 марта ошган. Тайёр трикотаж ва тикуччилик маҳсулотлари 25, трикотаж мато 31, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари 38, озиқ-овқат маҳсулотлари 14, рангли металлургия ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 45, қора металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 54 фоиз ошган.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига са-

ноат тармоқларидаги ҳолатни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, худудларнинг саноат салоҳиятини янада оширишга туртки берадиган тизим яратиш юзасидан топшириқ берилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда нефть-газ тармоғидаги ишлар ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Сўнги йиллардаги кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида нефть-газ тармоғида бошқарув самардорлигини ошириш ва тизимни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Бу борада соҳадаги айрим муаммолар, белгиланган лойиҳаларни амалга оширишдаги камчиликлар муҳокама қилинди. Ил яқини бўйича эҳтимоли бўлган қолақликлар ўрнини тўлдирish, шунингдек, 2020 йилда нефть, нефть маҳсулотлари, табиий ва суолтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлаш прогноз кўрсаткичларини шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Бунда углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажминини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва экспортга ёқилгини узлуксиз етказиб бериш, технологик сарф-харажат ва йўқотишларни камайитиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Энергетика вазирлиги ва нефть-газ тар-

моғи корхоналари раҳбарларига нефть маҳсулотлари, табиий ва суолтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига етказиб бериш прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, жалб қилинаётган маблағларни мақсадли ишлатиш, нефть-газ маҳсулотлари экспорти ҳажминини ошириш учун қўшимча захираларни шакллантириш, қудуқлар кесимида қазиб чиқариш ҳажминини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш юзасидан мутасаддиларга шахсий жавобгарлик юкланди.

Мазкур вазифаларни мувофиқлаштириш учун Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар раҳбарларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳ тузиш таклиф қилинди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объекларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш, бунда манлакатимиз истеъмолчиларини ёқилги-энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чораларига эътибор қаратиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А



КУН НАФА СИ

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Президент фармони қабул қилинди.

Президент янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 22 октябрь кунини мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Гужарат штати бош вазир Вижай Рупани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент матбуот хизмати

Наврўз Ризаев Марказий сайлов комиссияси матбуот хизматига раҳбар этиб тайинланди.

Пойтахтимизда «Made in Uzbekistan» халқаро кўргазмаси бошланди.

Жанубий Кореянинг Чинчхон шаҳрида бўлиб ўтган велотрек бўйича Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Олга Забелинская олтин медални қўлга киритди.

МОҚ матбуот хизмати

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган «Олтин йўлбарс» халқаро фестивалида терма жамоамиз аъзоси Антон Старостин тош кўтариш бўйича 2 та йўналишда мутлақ биринчилиكنи қўлга киритди ва жаҳон рекордини ўрнатди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

1-2 ноябрь кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

«Jahon» ахборот агентлиги

Буюк Британиянинг Брекстон шаҳрида қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган халқаро танловда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси британиялик, непаллик ва швейцариялик ҳамкасблари билан бирга биринчи ўринни қўлга киритди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

Жорий йилнинг 25-26 октябрь кунлари Тошкент вилоятида «Invest in Tashkent Region» халқаро инвестицион форуми ўтказилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг «Ижтимоий таъминот» бўлимида онлайн тарзда тўғридан-тўғри пенсия (нафақа) олувчиларга тўлиқ маълумот берувчи янги интерактив давлат хизмати ишга туширилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари агентлиги

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда Руминиянинг Клуж-Напока қишлоқ хўжалик фанлари ва ветеринария медицинаси университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

«Бахши» журнали

Янги «Бахши» журнали таҳририяти ташкил этилади.

«Jahon» ахборот агентлиги

1-2 ноябрь кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

«Jahon» ахборот агентлиги

Буюк Британиянинг Брекстон шаҳрида қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган халқаро танловда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси британиялик, непаллик ва швейцариялик ҳамкасблари билан бирга биринчи ўринни қўлга киритди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

Олтин сандиқ

Ўзбек тилини ўрганамиз

Тилимиз билан фахрланамиз. Тилимиз бой, деймиз. Аммо сўзлашишда бу фахр бизни тарк этади. Ишонмасангиз, мана бу «лугат»га эътибор қилинг:

Ошхонада

1. Порция – улуш
2. Десерт – овқатдан кейинги ширинлик
3. Закуска – газак
4. Шашлик – кабоб
5. Кусковой – тўрама
6. Борщ – карам шўрва
7. Солёный – тузланган
8. Табака – товуқ гўшти
9. Окорочка – товуқ қаноти
10. Окрошка – чалоб
11. Лепёшка – тандир нон
12. Холодец – лиқ-лиқ
13. Грилл – товуқ гўшти
14. Свежий салат – янги салат
15. Болгарский – булғор қалампир
16. Морковочка – сабзи салати
17. Сыр – пишлоқ
18. Расчёт – ҳисоб-китоб
19. Кефир – қатиқ
20. Зелень – кўкат
21. Фарш – қийма

Нодира ХЎЖАМҚУЛОВА,
«Зомин тумани йўллардан фойдаланиш»
унитар корхонаси бошланғич касабаси
уюшма кўмитаси раиси

Азилар! Ушбу ташаббусда сиз ҳам фаол иштирок этинг ва турли мавзулар бўйича сўзларни топишга кўмаклашинг. Бунинг учун топган сўзларингизни

xatlar@ishonch-doverie.uz
электрон почтаси ёки телеграмдаги @ishonch_gazetasi
манзилига жўнатишингизни сўраймиз.
Кейинги мавзумиз – шифохона.
Бошладик бўлмаса: бугундан эътиборан ўз тилимизда сўзлашишга ўтамиз.

Навоий ва Бухоро вилоятларида «Ishonch» кунлари доирасида ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

2-саҳифа

Эврил ТУРОН

Олтин ўлка (эссе)

(Давоми. Бошланиши аввалги сонларда)

БАЗАЛТ КОНИ

Ким кўп нарсага эришмоқчи бўлса, ўз олдига катта талаблар қўйиши лозим.

Ғарб ҳикмати

Эрталаб, нонуштадан кейин, «Нексия»да Боғдон тоғи оралаган сўқоқдан базалт конига ўрларканмиз, кўнглимга шу гап келди:

«Турғун Кўчкин кадр танлашни биларкан. Матлаб Саримсоқ, Фарход Унар, Убайдулла Соякуллар ўз соҳаларининг чин билимдонлари, ажойиб инсонлар. «Хулқ – ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгу» деган экан бир донишманд. Мен Фарход, Матлаб, Убайдуллалар тимсолида Боғдон келажакини кўргандай бўлдим. Улар ҳаромдан ҳазар қиладиган, ҳалол, ишчан инсонлар. Мен Яратгандан шундай инсонлар кўпайишини

сўрадим. Буларсиз юртимизнинг обод бўлишини кўз олдимга келтиролмадим. «Нексия» қачонлардир улуг отам – Аҳмад Оқсоқолнинг боғ уйи бўлган манзилга – «Қайрағочлик»ка кўнди. Бобо маконимда 50 йиллар чамаси бўлмаганимга юрагим ҳапқирди, кўзларимдан ёш оқди. Тиз чўкиб, азиз тупроқни ўпдим. Сўнг бобом, боболаримнинг номларига тиловат қилдим.

Бу гўзал манзил «Қайрағочлик» дейилишига сабаб: Хушноз (Хушназар, Аҳмад Оқсоқолнинг амакиси), бобомнинг боғ уйи олдидаги булоғи қошида, ҳовуз бўйида тўрт туп қайрағоч ўсарди. Тангрига беадад шукур, қайрағочларни бурунги ҳолда кўрдим ва бундан беҳад севиндим.

3▶

Келгуси сонларда ўқинг! >>>>>>

Тил ҳақидаги муҳокамалар давом этади

Баҳодир КАРИМОВ

«Сўз сўзлашда... андиша керак»

Сайди Умиров

Ҳассамизни яна йўқотмайлик...

Эврил ТУРОН

Тилимиз ислоҳга муҳтож



Навобий вилояти

Мулоқот

Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар тахлили, соғлом танқидий руҳ кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ютуқ — ҳамкорликда!

Бугунги матбуот кечагисидан бутунлай фарқ элас. Буни англаш учун узоққа бориш шарт эмас. Бундан атиги 3-4 йил илгари, мажозий маънода айтганда, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг кўзи «кўр», қўлоғи «қар» эди. Газетанинг нусхасини ошириш, обуна ташкил қилишга келганда нўфузи ҳукумат даражасида юқори бўлган наشرлар кимларнидир ва нималарнидир ўртага қўшиб, масалани хамирдан қил суғургандек ҳал қилар эди. Шу боис кейинчалик бирон-бир танқидий мақола ёзилса, дарҳол зўрма-зўралик билан бажарилган обуна юзга солинар, ҳатто «популингнинг пайсайтириб қўйиш» ҳақида таҳдид қилинарди.

Бугун замон, матбуотга муносабат тубдан ўзгарди. Мажбурий обуна, таъна ва таъйиқларга чек қўйилди. Тезкор ахборот, эркин фикр, ҳолис танқид жамиятнинг жонига оро кирмоқда. Бу жараён ҳаммамизнинг юзимизни ёруғ қилиб, қаддимизни тикламоқда.

Навобий вилоятида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ижодкорлари билан бўлиб ўтган учрашувда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева, вилоят ҳокимининг матбуот котиби Дилшод Мама-ражабов, «Навобий кон-металлургия» ДК матбуот хизмати раҳбари Абдумажид Жўраев газеталарнинг мазмун-муносабатлари, вақтли матбуотни ўқувчиларга етказиб бериш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Газетхонлар билан тахририятлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини қайтадан шакллантирилиши лозимлигини таъкидлаш бора-бора аниқ мисол ва тақлифлар ўртага ташланди.

Тахририят ижодкорлари жорий йилнинг ўтган даврида газеталар саҳифаларида турли мавзудаги танқидий мақолалар чоп этилгани, тахририятга келатган ариза ва шикоятларнинг сони ўтган йиллардагига қараганда 8 баробарга ошганини маълум қилишди. Қизгин руҳда ўтган ижодий учрашувда ўртага ташланган тақлифлар жамиятдаги қатор муаммоларнинг ечилишига хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, бундай жонли мулоқотлар тахририят билан газетхонларни янада яқинлаштиради. Табиийки, бирлик, яқдиллик бор жойда ҳеч ким ютқазмайди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



Халқ дарди — бош мезон

Бухоро шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ижодкорларининг муштарийлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раҳбарияти, тармоқ ва бошланғич касба уюшмалари вакиллари, турли корхона ва ташкилотларнинг ходимлари, газетхонлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбир аввалида мазкур нўфузли наشرларнинг Бош муҳаррири Хусан Эрматов сўзга чиқиб, қўйидагиларни таъкидлади:

— Куни кеча ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда қатнашиб, Президентимизнинг оташин нутқларини тингладик. Тингладиг-у, кўзларимизда ёш қалқди. Ота-боболар руҳини шод этиш маъсулияти, халқимиз келажаги ва тақдири, тириклик нуктаи назаридан она тилимизнинг бугунги аҳволига оид масалалар бор бўйича намоён бўлган маъруза барчамизнинг кўнглимизда ётган дарди йи-фикрларни ифодалаб берди.

Наширимиз саҳифаларини мунтазам кузатиб бораётган муштарийлар яхши хабардор: «Ishonch» газетаси маълум маънода айна шу мавзуга — тил мавзусига анчайин ихтисослашиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, тил масаласи — бутун халқ, миллат, мамлакат масаласидир. Мана, яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнги сўзимиз: Ватан» номли фундаментал чиқишини эълон қилди. Унда тилимизнинг ҳозирги аҳволи билан боғлиқ аччиқ ҳақиқатлар рўйи-рости ифодаланган.

Мустақилликдек неъмат биз учун нечоғли азиз бўлса, тилимиз ҳам шу қадар табарруқ. Шундай экан, тил тараққиётига мамлакат мустақиллиги нуктаи назаридан ёндашиш даркор. Бу йўлдаги ишларимиз йиғилиш-у расмий



тадбирлардан, зиёлиларнинг тор доирадаги муҳокамаларидан эмас, аввало, ўзимиздан бошла-ниши лозим.

Мана, бугун бухоролик юртдошларимиз, муштарийларимиз даврасидамиз. Бухоро — оламга донғи кетган неча-неча алломалар, улуғ пирлар замини. Шу боис биз, ижодкор, зиёли сифатида бухоролик газетхонлар олдида алоҳида маъсулият ҳис эта-миз.

Учрашувда нашр ижодкорлари ҳар бир ўқувчининг аввало инсон эканини, уни биринчи галда ўз соғлиғи, тинчлиги, Ватан тақдири, тарихимиз, адабиётимиз, юртимиздаги ўзгаришлар, қолаверса, худудлардаги турли ижтимоий муаммолар ечимини қи-зиқтиришини эътиборга олган ҳолда мавзулар кўлами кенгайти-раётгани қайд этилди. «Ishonch» саҳифаларида сўнги тўққиз-ўн ой ичида бир юз элликта тахли-лий-танқидий мақола эълон қи-лингани бунинг далилидир. Та-рихимиз, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, болалар спортини, маъна-вият, ижтимоий ҳаёт ва бошқа жабҳалар билан боғлиқ муам-молар ёритилган бу чиқишлар ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Уларда тилга бўлиган масалаларнинг саксонтаси ҳал этилди. Шундан сўнг газетхонлар нашр ҳақидаги фикрлари, тақлиф ва истақларини билди-ришди. Чунончи, Бухоро шаҳри-даги 39-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси Барчиной Каримова

яқинда газетда эълон қилинган ўзига хос мақолалардан гоё таъ-сиранганини тўққинлашиб сўз-лаб берди.

Ўз навбатида, Бухоро дав-лат университетининг ходимлар ва талабалар касба уюшма кў-митаси раиси Сиддиқ Қаҳҳоров мамлакатимизда кечаётган олам-шумул янгиланишлар жараёнини ёритишда «Ishonch» пешқадам-лардан бири эканини таъкидлади. Бухоро муҳандислик-технология институтидаги ўқитувчиси Шу-курулло Очилов газетанинг «Кун нафаси», «Долзарб мавзу», «Дил сўзи» рунклари остида чиқаёт-ган хабар ва мақолалар нашр ом-мавийлигини таъминлаётганига, истеъмолчи ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазаси, турли долзарб маса-лаларга доир чиқишлар мушта-рийларнинг қизгин муҳокамала-рига сабаб бўлаётганига тўхталди.



Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги «Ширин хаус» меҳмон уйининг эгаси, тад-биркор Ширин Боймуродова ўзи яшайдиган Кақули калон кўчасидаги кўча чи-роқлари билан боғлиқ муам-молар «Ишонч»да ёритил-гач, маҳаллий мутасаддилар томонидан бу масала тезда ижобий ҳал этилганини сўз-лаб, тахририят вакиллари-га миннатдорчилик билдирди.

Таълим, фан ва маданият хо-димлари касба уюшмаси, Дав-лат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши-нинг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчилари Райхон Носирова ҳамда Бахтиёр Бахро-нов «Ishonch» том маънода халқ дардига дармон бўлаётгани ху-сусида мулоҳазаларини баён этишди.

Самимий мулоқот асносида газетхонлар нашрда фуқаро-ларнинг ҳуқуқий билдамларини ошириш бўйича ҳуқуқшунослар-нинг туркум мақолаларини янада кўпайтириш, халқро касба уюшма ташкилотларининг илгор тажрибаларини ёритиш бора-сида тақлифлари билдиришди.

Рустам ИБРАГИМОВ,
«ISHONCH»

«Ishonch»

**Садо бериб эзгу ишлардан,
Озод этиб бор ташвишлардан,
Холидир бил, у миш-мишлардан,
Тақдим этмиш борчага қувонч,
Бизнинг рўзнамамиз «Ishonch».**

**Қадрлагай аҳли инсонни,
Қалбда сақлаб нур-у иймонни,
Канда қилмай хайру-эҳсонни,
Хаста дилга даводир қувонч,
Бизнинг рўзнамамиз «Ishonch».**

**Илм-у зиё масканидир у,
Юраклардан жой олган мангу,
Ушалмишдир у билан орзу,
Аҳли ёшинг кўзида қувонч,
Таянч бизга доимо «Ishonch».**

Азимшер ОДИЛОВ,
Бухоро муҳандислик технология
институтининг 3-босқич талабаси



Андижон вилояти

Халқаро форум

Икки кун давомида ўттиздан зиёд давлатлардан келган инвесторларнинг нигоҳи Андижонга қаратилди. Илк бор ташкил этилган «Орен Andijan» халқаро инвестиция форуми доирасида чет эллик ишбилармонларда юртимизнинг ўзига хос имкониятлари хусусида аниқ-тиниқ тасаввур пайдо бўлди, ҳамкорликнинг янги йўналишларига асос солинди. Шунинг баробарида экспорт географиясини кенгайтириш борасидаги қадамлари ҳам тезлашиб, қатор шартнома ва келишувларга эришилди.

Инвесторлар нигоҳи — Андижонда

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг илдизлари чуқур экани барчамизга маъму-лум. Тарихий қадрият ва мада-ниятларимизнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари кўпчилиги боис ўз-беклар ҳиндларга, ҳиндлар эса бизга бегона эмас.

Очилиш маросимида Ўзбе-кистон Республикаси Бош ва-зирининг ўринбосари Элёр фа-ниев, Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов, Ҳин-дистон Республикасининг Гужа-рат штати бош вазири Ви-жай Рупани ва бошқалар Прези-дент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳин-дистонга таширифи чоғида мазкур форумни айнан Анди-жонда ташкил этиш гоёси бе-жиз пайдо бўлмагани, бунинг натижасида ҳамкорлик алоқа-лари кенгайиб бораётганини қайд этишди. Жумладан, давлат-тимиз раҳбарининг шу йил 14 январдаги «Андижон-фарм» эр-кин иқтисодий зонасини таш-кил этиш тўғрисидаги Фар-мони халқ эҳтиёжларини уй-ғунлаштирувчи ноёб ва йирик лойиҳага асос солгани, ушбу иқтисодий зонада барпо этила-жак корхоналарнинг биринчи навбатда етакчи ҳинд «компа-ниялари билан ҳамкорликни йўлга қўяётгани замирида ҳам тарихий яқинлик, ўзаро ишонч каби жиҳатлар мужассамлиги таъкидланди.

Дастур доирасида меҳмон-лар миллий хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва чорвачи-лик маҳсулотлари ярмаркаси билан танишди. Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси кўрғазмалар залида инвести-ция ва саноат салоҳиятини ифода этувчи кўрғазма таш-кил этилди. Айниқса, «Ўзавто-саноат» акциядорлик компа-нияси, «Сабо», «Ҳамкор», «Нил гранит» маъсулияти чекланган жамиятлари, «Мақро фарм» компанияси, «Оқ сув» фер-мер хўжалигининг кўрғазмага қўйилган маҳсулотлари, улар-нинг экспорт имкониятлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Тақлиф этилаётган ин-вестиция лойиҳаларининг жо-зibasи, аниқ ечим ва пухта ре-жага асослангани хорижлик-лар диққат марказида бўлди.

Масалан, «Ўзавтосаноат» ак-ционерлик компанияси томо-нидан барча автомобиль мо-деллари учун хавфсизлик ка-марларини йиғиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳанинг умумий қиймати 8,6 миллион АҚШ долларига тенг. Йиллик айланма маблағлар миқдори 12

миллион АҚШ долларини таш-кил этиши кўзда тутилган лойи-ҳа эвазига 92 нафар киши иш билан таъминланади. Муҳими, ишлаб чиқариладиган маҳсу-лотлар тўлиқ бюрторма асоси-да тайёрланади, яъни истеъмол-чиси аниқ. Кўрғазмада тақдим этилган машинасозлик саноа-тига оид шу каби 17 та лойиҳа хорижлик меҳмонларга маъқул келди ҳамда 280 миллион дол-ларлик инвестициялар жалб этишга эришилди.

Шу кун Ҳиндистон делега-цияси аъзоларининг Андижон туманидаги «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонасида «Cadila Pharmaceuticals LTD» корхонасига тамал тоши қўйилди. Бу ерда яқин кела-жада юртимизнинг дори-вор гиёҳларидан арзон ҳамда юқори сифатли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарили-шини таъминлаш кўзда тутил-ган.

Сардор Пател Валлабхаи — Ҳиндистон озолиги учун ку-рашган атоқли давлат ва жа-моат арбоби. Миллий конгресс етакчиларидан бўлган бу шахс Ҳиндистон Конституцияси муал-лифларидан бири бўлиб, мамла-кат сийбосий тизимини яратишда фаол қатнашган. Андижон ту-манидаги собиқ Ёшлар кўчаси эндиликда ушбу ҳинд қахрамо-нининг номи билан аталадиган бўлди ҳамда нўфузли меҳмон-лар иштирокида унинг бюсти тантанали равишда очилди.

Бундан ташқари, Ҳиндис-тондаги етакчи хусусий олий ўқув юртрларидан бири бўл-ган «Шарда» халқаро универ-ситети Андижон филиалининг очилиш маросими ҳам ўтқа-зилди. Ахборот-коммуника-ция технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрловчи таълим даргоҳидан билимли, замонавий кадрлар етишиб чиқишига умид билдирилди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг шарқий минтақасидаги яшил шаҳар — Хонободнинг туристик имкониятлари билан яқиндан танишди.

Форум доирасида қиймати 405 миллион АҚШ долларига тенг 22 та (шундан 12 таси экс-порт) шартнома имзоланди. Шу билан бирга, Андижон вилояти Гужарат штати ўртасида дўстона бизнес-молиявий алоқаларни ўрнатиш, тўғридан-тўғри инвес-тицияларни жалб этишни на-зарда тутадиган қатор шарт-нома ва битимлар тузилди.

Нурилло НЎЪМОМОВ,
«ISHONCH»

Ўзликни англаш

«Қанча кўп тили билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш қўради, она тилида йўғлайди... Улми олдиан онасини она тилида йўғлайди...»

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Одатдаги дарсларнинг бирида ўқувчи-лар «нима учун фанимизнинг «Она тили» дея аталгани, ваҳоланки, уни оддийгина қилиб ўзбек тили деса ҳам бўла-ди-ку?», дея сўраб қолишди. Шак-шубҳасиз, уларнинг фикрида жон бор, чунки фанининг мақсади ҳам ўзбек тилини ўрганишга қара-тилган. Барбирин, ўқувчиларнинг саволига жавоб бериш вазирамга кирди.

«Она тили! Инсон дунёга келар экан, энг аввало, онани танийди ва она сути орқали унинг меҳри билан биргаликда аллеси ҳам ич-ичига кириб боради. Йиллар ўтиб бола улғайса ҳам энг яқин инсони онаси бўлиб

қолади. У билан дардлашадиган, бирга қу-вонадиган инсонни ҳам онасидир. Тил ҳам худди она каби азиз. Аввал у бизга инсон эканимизни англашиб, одамларни, дунёни танитади. Назаримда, дунёга келиб, қилиши-миз лозим бўлган вазифаларимиздан бири тилимизни асраш ва уни ҳимоя қилишдан иборат. Тили бор халқнинг дунёда ўз ўрни, ўз йўли бўлади. Тили бор халқнинг борлиги ҳақдир!»

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўз-бек тилига давлат тили мақоми берилгани-нинг 30 йиллиги кенг нишонланиб, турли масканларда учрашув ҳамда тадбирлар ўт-казилмоқда.

Бадий Академия қошидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабида шу муносабат билан Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган халқ рассоми Алишер Мирзо ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Алишер На-воий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг ўқувчи ёшлар билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ижодкорлар ёшларга ўзбек тилининг қанчалар бойлиги ва у дунё тил-лари билан бемалол бўйлаша олиши, маъно жилолари бекиёс даражада баланд эканини таъкидлашди.

Ўқувчиларнинг чиқишлари, рақс ва ижо-дий ишлари байрамга ўзгача шуҳуқ бағиш-лади.

Зебо СОБИРОВА,
Бадий Академия қошидаги
ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг
ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани халқ-имизнинг бемисл ютуғи, она тилимизнинг умрбоқий-лигини таъминлаш йўлидаги муҳим қарор бўлди.

Буюкликнинг энг баланд тоғи

Бугун жойларда санага бағишланган маъна-вий-маърифий тадбир-лар, тил байрамлари ташкил қилинмоқда. Жумладан, Китоб туманидаги 87- умумтаълим мактабида ўтказилган «Она тилим, буюкликда энг баланд тоғсан!» деб номланган тад-

бир шеър ва қўшиқлар, мил-лий урф-одатларимиз ифода-ланган рақс ҳамда сахна кўри-лишлари билан йиғилганларга манзур бўлди. Саҳнада бешиқ тебратиби, «Алла» айтган она образини кўрганда вужудимиз бўйлаб меҳр ва миллатга муҳаббат

туйғулари таради, қалбларга ажиб сеҳр ингандек бўлди. Навобий сиймосида чиққан ўқувчи эса ёшларнинг камол-лотидан, тилимизга бўлган эътибордан мамнун сўзлади, «Тилга эътибор — элга эъти-бор» эканини яна бир бор эъ-тироф этди.

—Таълим муассасамизда шу кунларда туман халқ таъ-лими бўлими томонидан ме-тод бирлашмалар ҳафталиги ўтмоқда, —деди мактаб дирек-тори ўринбосари Дилшода Фармонова. — Бугунги тил байрами тадбири ана шу ҳаф-талиқнинг гултоғи бўлди.

Ўз муҳбиримиз

41

Йўл бошловчи Фазлиддин Инат қариндошимиз бўлади. Унинг раҳматли отаси Ният ака очич кўнгли, тўғри одам эди. Юк машина ҳайдарди. У Фазлиддин геолог бўлишини истарди. Нияти холис экан, тилагига етди. Фазлиддин Тошкент политехника институтининг геология факультетини тугатди. Эшитишимча, у қобилиятли геолог, ғайратли йигит. Ёши 51 да. Фазлиддин мени базалт кони билан таништирди:

– Базалт кони Аҳмат Оқсоқол бобомизнинг боғ уйдан бошланади ва ўнлаб чақирим ғарби шимолга қўзилган жойларни ишғол этади.

Фазлиддин Инат ўнг қўлини чўзди ва тоғ юзасини қоплаган кулранг-қора тошларга ишора қилди. 30 метргача «томир» отган бу қиррали, қиррасиз тошлар қўзи, эчки, тая қатталликларидан кўзга ташланарди.

– «Базалт» қайси эл сўзи, Фазлиддин?
– Эфиопияча, чунки у қадим замонда (биринчи марта) шу юрда топилган. Эфиопияликлар уни «basal» дейишган. Адамасам, Эфиопия тили «Амхара» тилига мансуб. Базалт – «эфиопияча «қайнаётган тош», «темирга қоришиқ тош» маъноларини англатади.

– Базалт қачон, қандай пайдо бўлган?
– Бунинг анигини ҳеч ким билмайди, менинг тахминимча, миллион йиллар силсиласида вужудга келган, вулқонлар натижасида.

– Яратганининг қудратига қаранг!
– Фазлиддин, базалт тўғрисида менга бироз тушунча берсангиз.

– Бу тош ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган, – деди фикрини жамлаб Фазлиддин Инат. – Сабаби, у энг муҳим тармоқларда ҳам қўлланилмоқда. Қарбий sanoat, учоқсозлик, кемасозлик, космос ва сув иншоотлари усиз «нафас» ололмайди. Базалт маҳсулотларининг 70-80 фоизи шу соҳаларга кетмоқда. Қолгани (20-30 фоиз) бино, метро, кўприк... деярли барча қурилишларга ишлатилади. Темир йўл, сўқоқларнинг кўтармаларида ҳам қўлланилади. Чунки базалт маҳсулотлари (арматура, композит симтўр, фабриволка) темирниқига нисбатан 40 фоиз арзон, 10 марта энгил, мустаҳкам, зангламайди. Иссиқликка чидамли. Аниги: целсий бўйича 3000 даражагача чидамли. Токсик моддалар ажратмайди, экологик тоза.

Базалт арматуранинг хизмат муддати – 80 йил. Улар симлар ва пластик хомутлар орқали маҳкамланади. Бу пайвандлашга нисбатан мустаҳкам бўлади. Олимларнинг тажрибаси, бу усул чўнтақбоп, энгил, қулай, зилзилага чидамли.

Беихтиёр бошимдан шу фикр кечди: «Ўзини туттиридан, гап-сўздан оқил йигитга ўхшайди. Турғун Кўчин қобилиятли кишиларни ишга жалб этган кўринадди».

Улуғ отамнинг боғи устидан (ҳозир бу узумзорга Мухтор Худон отли қариндошимиз қарайди) бир экскаватор базалт тошларини «МАН» (Самарқандда ишлаб чиқилган машина)га юкламоқда. Иккинчи «МАН» навбат кутмоқда.

– Булар Ҳожи отанинг техникаси, – деди Фазлиддин ва пича сукутдан сўнг кўшимча қилди, – Мен дунёга келиб, Ҳожи отадек иш кўзини билладиган кишини кўрмаганман. У бир ишга киришишдан олдин минг йўлаб кўради, ақли кишилар билан маслаҳатлашади, кейин, яъни шу ишнинг уйдасидан чиқиб ишонч ҳосил қилса, режа тузади. Бу унинг темир одати, балки бунга тўғра одат деса бўлар.

Ҳожи отанинг яна бир одати бор. У бир иш билан тўхтаб қолмайди. Янгисини ўйлаб топади. Уни мукамал амалга ошириш учун тинмайди.

Бир одамга олқиш...
Бу мақтовларнинг самимийлигига ишонсам-да, кўнглимнинг бир четидан иккилини ҳам бордек эди. Туман ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Жиян мендаги ўзгаришни сезди шекилли: «Ҳожи ота мақтовга лойиқ инсон, – деди жиддий бир тарзда. – Сизга бир мисол айтман. Базалт заводини очиш учун Ҳожи ота биринчи гада тошнинг сифати тўғрисида бош қотирди. Мутахассислар базалтнинг сифатли дейишса ҳам, бунга амалда синашни истатади.

Ҳизмат

Кимга интиломқ ёрқир, Ҳақ ўзи мадакордир.



Олтин ўлка

«МАН»га 30 тонна тош юклатди ва уни Украинага – аввал Киев тоғ маъданларини ўрганиш институтига, сўнг Харьков базалт заводига олиб борди. Улар мана шу кўриб турганингиз Қайрағочликнинг базалт тошини сифатли, деб баҳолашди. Шундан кейин Ҳожи ота чўлда базалт заводини қуришга жазм этди.

– Феъли шундоқ, ҳар ишни етти ўлчаб, бир кесади. – Холмат Мамат Жаҳонгирни тасдиқлади.

Геолог Фазлиддин Инат билан хайрлашдик. Марказий Осиёда биринчи, ер юзидан тўртинчи аталмиш – Ўзбек базалт заводига йўл олдик.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ БАЗАЛТ ЗАВОДИ

Билки, майда нарсалар аро Майдалашиб кетади одам. Улуғликка ким бўлса ҳамдам, Катта ишлар қилур доимо, Улуғ бўлур шунда ўзи ҳам.

ГЁТЕ

Чўл оралаб, бир оғоч ўсмайдиган қир этагига – 10 000 м² майдонинг эгаллаган «MEGA INVEST INDUSTRIAL» отли завод – (базалт заводи)га етиб келдик. Унинг сўл ёнида туркияликлар қурган цемент заводи гупуриб ишламоқда. Уртани темир йўл кесган. Иккала томонда аланималарга мўлжалланган бинолар ҳам бор. Улар атрофга салобат тўкиб турибди.

Мен ўзимни гўё шаҳарга келиб қолгандай ҳис этдим. «Қип-қизил чўлда бинолар-а!» дедим ичимда. Завод қопсига яқинлашимиз билан, у ўз-ўзидан очилди. «Ҳатто Тошкентда ҳам ўз-ўзидан очилиб-эпиладиган қопилар кам», деб ўйладим. Қойил! Турғун Кўчинга қойил! Алишер, Ғанишер, Зафар, Уйғунларга қойил! Бизни (Жаҳонгир Жиян, Холмат Мамат, Эврил Турон) кўркам бир йигит жилмайиб қарши олди. Кучоқлашиб кўришдик.

– Мамадали ака, мени танимадингиз-а? – истихоло билан сўради у.
– Узр... Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз.
– Мен Ёрқинман, «Ёрқин Тилаб» дер эдингиз мени. Юнусободдаги уйингизда бўлганман, онам билан. Ватан қизингиз билан Ирода синглим дугона.

– Эсладим! – Ёрқин Тилаб билан қайта кучоқлашиб кўришдик.
– Мен шу заводда директорман, Мамадали ака.
– Ў-ҳў! Зўр! Табриклайман, Ёрқин!
Ёрқин Тилабнинг ортиқча жиҳозсиз офисига кирдик. Котиба қиз бир чойнак кўкчой ва бир ликобчада конфет олиб кирди. Чой ичарканмиз, Ёрқин Тилаб менинг бермоқчи бўлган саволимини юз-кўзимдан сезди ва қуйидагиларни айтди:

– Ҳожи отанинг шарофати билан заводни жуда тез фурсатда – 2017 йилда қуриб битказдик. Бунда унинг ўғиллари – Алишер, Ғанишер, Зафар, Уйғун то завод ишга тушгунча, тун-у кун, навбатма-навбат бу ерда бўлишди. Ўзингиз биласиз, Мамадали ака, мақсадга ўз-ўзидан

эришиб бўлмайди. Мақсад метин ирода, қатъий ишонч, чинакам меҳнат билан раҳматли отанинг сўзи. Унинг ўғиллари шу сўз билан иш туттиришди, мен ҳам.

Шу он, туйқус, бир ҳикмат хаёлимга келди: «Жиддий, теран, ҳақиқий ирода, энг аввало, мақсадга эришишга бўлган ишонч тасавури билан уйғунликда ифодаланади».

– Заводимизда 330 нафар одам 4 сменада ишлапти, – Ёрқин Тилабнинг гапидан хаёлим тарқади, – Бир кеча-кундузда 3,5 тонна тола ишлаб чиқаряпмиз. Ундан Жиззах шаҳрида жойлашган корхонамиз турли шакл, ҳажм, узунликда арматура тайёрлайди.

– Нега Жиззахда? Бу иқтисодий зарар-ку! Тагин ортиш, элтиш, тушуриш учун қанча вақт шамолга соғурилади. Шу учун арматура заводини шу бепоён чўлда – базалт заводи ёнида қуриш лозим.

– Тўғри, бироз иқтисодий кучга кирайлик, сўнг Ҳожи ота ҳам, менимча, шундоқ фикрда.

– Узи кўринмаяптими?
– Тошкентда, Ўтагул момон (Турғун Кўчиннинг умр йўлдоши Э.Т.) билан бирга «Чинобод» санаторийсида дам оляпти.

Мен санаторийга боришни кўнглимга тугиб кўйдим. Ёрқин Тилаб завод ишини тушунтиришда давом этди:

– Ишлаб чиқариш турини кенгайтира- миз. Чунки базалт маҳсулотларига фақат Ўзбекистонда эмас, бутун дунёда эҳтиёж катта. Машинасозликда ундан авто- мобилларга карбон, буфер, гулишителиларга тўр ясалади. Ракетасозликда ҳам у жура муҳим аҳамиятга эга. Композит қувурлар (трубалар) ҳам шу маҳсулотдан тайёрланади. Ўт ўчирувчиларга кийим-кечақлар ҳам шу маҳсулотдан тикилади. Гапнинг қисқаси, у ҳамма соҳага керак. Чунки базалт маҳсулотлари металл ва бошқа маҳсулотларга қараганда кўп марта сифатли. Энг муҳими, ўтга ўта чидамли, коррозияга учрамайди ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз техник хусусиятини йўқотмайди. Яна бир афзаллиги – базалт арматура ишлатилган биноларда мобил алоқа сигнали яхши бўлади.

Ўзбек «Минг эшитгандан, бир кўрган афзал» дейди. Олман, турк, япон, рус технологияси асосида ишлаётган, давлатга миллиард сўмлаб фойда келтираётган заводни бошдан-оёқ кўздан кечирдик. Мен ноёб ускуналардан базалт тошлар ипақдек эшилиб чиқиб, толага айланаётганидан ҳайратга тушдим. Ўз кўзларимга ишонмай, уларни қайта-қайта ушлаб кўрдим.

Афсона! Тошдан шундай маҳсулот! ИПАК ТОЛА! ИПАКДЕК МАЙИН ТОЛА!
Холмат Маматнинг ҳам бу ерга биринчи келишими ёки янги нарсани ҳар кўрганда ҳаяжонланадиган кишилар тоифасиданми, билмадим, у ҳам мендек ҳайратланди: МЎҶИЗА!

– Шу мўҶизадан туманда яна 4 та куриш керак, Ёрқин.

– Мен ҳам кўпдан шундоқ (боғдонликлар «шундай»ни «шундоқ», «бундай»ни «бундоқ» дейишади. Э.Т.) фикрдаман, Мамадали ака. Ҳозирги қазиб олишимиздан келиб чиқиб айтсам, базалт 1000 йилга эмас, 5 минг йилга етади. Ҳатто, ундан ҳам кўпга десам, янглишмайман. Шундоқ экан, тагин 4-5 та базалт заводи қурсак, адашмаймиз. Булар юртимиз иқтисоди кескин ўсишига сабаб бўлади. Мен бунга аминман. Юқорида айтганимдек, базалт – харидори чаққон маҳсулот, ўлмас, бузилмас, айнимас маҳсулот. Ҳозирнинг ўзи-

даёқ, бизга ўнлаб давлатлар мурожаат этишмоқда. Бироқ, ҳозир бу нарса ўзимиздан, Ўзбекистондан ортмаяпти.

Жаҳонгир Жиян фикримизни қувватлади:

– Яқинда бу заводга муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташриф буюрганда, базалт заводлари сонини кўпайтиришимизни алоҳида таъкидлаб айтдилар.

– Тўғри, тўғри! – деди Ёрқин Тилаб.

– Мен ҳоким муовини сифатида бундан кўп севиндим. Заводлар қурилиши туманимиз иқтисодини кўтарди. Шу бир корхонанинг ўзи ҳам бизга тоғдек таянч бўляпти.

– Заводимизда 330 нафар йигит-қиз ишлапти, – Ёрқин Тилаб Жаҳонгир Жияннинг гапидан илҳомланди.

Биз турли ҳажмда тош майдалайдиган ускуна (драбилка) ва базалт, тола сифатига масъул лабораторияни кўздан кечирдик. Икковида ҳам тартиб, тозалик устувор.

Махсус, озода кийимлари ўзларига ярашиб турган Ислом Шоқосим, Муҳайё Жўра, Шаҳноза Ўктам каби ишчи, лаборантлар билан кўнишдик. Уларнинг кайфиятлари яхши ва ўз юмушларидан рози эканликлари юз-кўзларидан сезилиб турарди.

Тун-у кун емоқ пиширадиган ошхонанинг саранжом-саришталиги ҳам, ошпазларнинг хушмуомалалиги ҳам бизга ёқди. Шунда хаёлимдан бир донишманднинг шу гапи ўтди: «Хурсандчилик билан ишга киришган ва қилган ишдан мамнун бўладиган одам бахтиёрдир».

ТУГАНМАН

Хитой хоқонининг ипақ газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди.

Хитой мақоли

Мен яна 3 кун олтин водийни кездим. Турғун Кўчиннинг Жиззах шаҳридаги 2 та ип йигирув фабрикасида бўлдим. Биринчиси тамиз (соф) немис технологияси асосида ишлапти. Иккинчиси (йириги) Олмония, Австрия, Туркия, Италия технологиялари билан энди иш бошлайди.

Фабрикаларнинг бошлиқлари боғдонлик Темур Мадамин, Аъзам Бурхон. Иш билар йигитлар.

Биринчи фабрикада 150 нафар ёш (асосан хотин-қизлар) бир кеча-кундузда (иш 4 смена) 20 тонна ип йигиради. Бунинг бир йиллиги хомчўт қилинса, 240 тонна бўлади.

Кўнглим оғриди: Мен бор-будимдан айрилсам ҳам, шунча эзилмасдим. Бироқ халқимнинг манглай тери билан яралган бу беҳисоб бойлик Шимолга сув текинга оқайтганига эзилдим. Агар бу олтин иплар ўзимизда газлама ва кийим-кечак қилиб сотилса, ундан беқиёс фойда кўриларди. Мардикорликда тинка-мадорлари қуриб юрган қондошларимиз ҳам иш билан таъминланарди.

Мен юқорида Чин мақолини бежиз келтирмадим. У сал ўзгартирилса, яъни «Ўзбекининг газмоли кўп, бироқ ўлча-масдан кесади» дейилса, ундан «Ўзбек тежамайди» деган маъно чиқади. Жиззахнинг ип йигирув фабрикаси бунга бир мисол. Тўлиб-тошилсада, тежамли бўлиш керак. Йўқса, тоғ ҳам чидамайди...

Тарихчи олимлар хато қиладилар. Аслида, бу мақол Хитойда 150 йил ҳукмронлик қилган (6-7-юзйилликлар), алал оқибат хитойлашган Турк тавғачларининг мақоли.

Буюк Қошғорли Маҳмуд сўзи: «Тавғоч хоқонининг газмоли кўп, бироқ уни ўлча-масдан кесмайди».

Мен Тошкентга қайтган заҳотим улғу ишбилар Турғун Кўчин билан олтин ипларни Шимолга юборилиши тўхтати-лиши, янги тўқув, тикув фабрикалари қури-лиши ҳақида кўнишмоқни олдимга мақсад қилиб кўйдим. Шунда профессор Ўрдабеклининг гапи миямда тугён урди: «Агар танқид беғараз, юракдан бўлса, мева беради».

Темир Мадамин хаёлимни бўлди:
– Фабрикамиз ҳар ойда электр энергияга 3 юз миллион, газга 1.5 миллион, давлатга 550 миллион сўм солиқ тўлашига қарамай, катта фойда берапти.

– Агар хомашёнинг йўли Шимолга тўсилса, бундан 10 марта ортиқ фойда кўрасизлар, Темур, – дедим.

У ўйлаиб қолди.
Жиззах ўлкаси бўйича 9 юз миллион АҚШ долларига бунёд этилган иккинчи фабрикага ўтдим. Аъзам Бурхон бир оғиз гапирди:

– Корхонамиз узоғи билан 20-30 кунда ишга тушади. Унда 200 нафар одам ишлапти.

Шу он, не учун билмайман, Ислом Ўғзининг шеъри қалбимда қанот қоқди:

Ҳар нарсда бордир қарат,
Кўрар уни ким топса тоқат...

Зомин, Пахтакор, Зарбдор, қисқаси, Жиззах водийсида энгил саноат тарихда кўрилмаган даражада тез ривожлана-япти. Бунга ўз кўзим билан кўрдим.

Матбуот, радио, телевединие шохид: бутун Ўзбекистонда шундоқ юксалиш.

Беихтиёр Ленининг сўзини эсладим:
«Мазлумларни озодликка олиб чиқиб, одил халқ ҳокимиятини барпо этамиз, ер юзини ҳар қандай зулум ва зўравонликдан, қуллик ва хорликдан халос этамиз».

Халқларни шундоқ эзгу сўзлар билан алдаб, ҳокимият тепасига чиққан пролетариат доҳийси ўз гапининг тескари-сини қилди. Қуллик занжирини баттар мустаҳкамлади. Ўзбекистонга номига 3-4 та корхона (ҳозиргидан минг марта кам) курди. Бунга ҳам бўлса, ўзга тилли аҳолилар зич яшаётган кентларга, Ватанни пахта қуллигига айланттирди. Бу билан «маданий ўлим» (пахтага учоқда заҳарли дорилар сепилган. Бундан беҳисоб деҳқонлар ўлим топган, тагин қанчаси тузалмас касалга йўлиққан)ни кенг қўламда жорий этди. Ўзбекистоннинг (бутун Туркистон – Турон элларининг ҳам) ўз сўзи, Ўзлик сўзи йўқ эди.

Шеър:

Кундан-кунга Туркистон ожиз, Фафлатидан турмас уйғониб, Турон қолди дунёда ёлғиз, Ўз дардига ўзи чулғониб.

(Ислом Ўғиз)

Ғанимнинг макрга ғарқ ҳукми билан бешга бўлинган Марказий Осиё Марказинг хомашё базасига айланди. Бу хомашё билан Марказ иқтисодий, ҳарбий салоҳиятга эришдик.

Яратганининг шарофати билан ўзлик (мустақиллик)ка эришганимиздан кейин ҳам, том маънодаги сикитилардан, ёлғон, тўхмат, ҳамда-у санолардан, бўрттириб кўрсатиш ва коррупция иллатларидан қутуллолмадик.

Куруқ мақтов, «ура-ура»чилик билан иш битадими?

Уч йилки, ўз элига СЎЗ, ҚАЛБ, ЭЪТИҚОД эркинлигини бериб келадиган Ўзбекистон ҳар соҳада ўсди.

Бугун кўзи очик одам мамлакатда ҳамма соҳада ўсиш бўлаётганини, жумладан, қури-лишда ҳам ўнлаб, юзлаб йўл, кўприк, метро, бино, шаҳар, шаҳарчалар қурилганини кўради.

Кўзи очик одам шу йилнинг ўзида 132 та завод, фабрика барпо этилганини кўради.

Кўзи очик одам дунё Ўзбекистонга қалбини очганини кўради.

Мен Жиззах сафаридан қайтарканман, бошимдан шулар ўтди. Яна Тангридан халқимга аҳиллик, ношуқурларга инсоф сўрадим. Яна Америка, Оврупа, Россия давлатларидан ибрат олишни, эл-юртимизнинг омонлиги ва фаровонлиги йўлида замонавий заводлар қуришимизни ўйладим.

Илҳом

Она тилин ўргатмоқлик – бахт!

(Ўзбек тили ва адабиёти фани устозларига)

Азим Тошкент. Зўр анжуман. Чироқлар ял-ял...
Ўзбек нотиқ чет тилида сўзлайди бийрон.
Неча олим, шоирлар ҳам ҳайратда тугал,
Шоғирликка олар эди тирилса Байрон...

Табиийки, олқишларга кўмдилар бот-бот,
Лол қолдирди барчани бир олим китоби:
– Ушбу онда янгиланди, дўстларим, рекорд,
Буни қайдга киритгайди Гиннес китоби...

Ҳаёл отлиқ тулпар учди бирдан олисга,
Рўпарамдан чиқди ўша қадрдан сўқмоқ,
Ҳа, бу дўллар сўзламоқни ўргатган бизга,
Этагиди – нур-зиёси қайнамоқ буюқ...

Она қишлоқ... Она мактаб... Она тили дарси... –
Уч эгиз сўз жаранглай боқиб, умрбод.
Азизларим, шу кичкина, мўъжаз гўшада,
Янгиларан ҳар лаҳзада жаҳоний рекорд...

Бунда буюқ қалб соҳиби айтади нақл,
Қирқ йил... не-не ўтдан чиқиб, сувга кирмаган.
Бир-бир санаб берсам агар, оқсайди ақл,
Буни ҳатто Гиннесина ҳам тўшди қурмаган!

Эшит... Ана, қоналарда жаранлар ғазал,
Оддий ўстоз сабоғидан кўнгли чўғ, хуш вақт.
Бу дунёда эзлаб тилда сўзламоқ мумкин,
Лек фарзанда она тилин ўргатмоқлик – бахт!

Баҳодир БАЛИЕВ

Қишқадарё вилояти


Китоб туманининг Варганза қишлоғида биринчи халқаро «Анор» агротурист фестивали бўлиб ўтганидан хабарингиз бор, албатта. Қишлоқда 3974 та хонадонда 22 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Маҳаллий аҳоли халқаро фестиваль ҳақида қандай фикрда?
– Анор етиштириш ота-боболаримиздан мерос, – деди 68 ёшли Жума бобо Хўжақулов. –14 сотих томоркамизга анор экканмиз. Бундан ташқари, фермер хўжалиги даласида ҳам анор етиштирамиз. Тўрт нафар фарзандимни боғдонлик меҳнати ортидан уйли-жойли қилдим.
Фестиваль ҳақида гапирадиган бўлсам, у бунчалик юқори савияда



Қадами қутлуғ фестивалъ

Ўтади, деб сира ўйламагандим. Анжуман баҳона кўчаларимиз асфалт бўлди. Қишлоқлар ободонлашди. Варганзага ўтган йили келганингизда тизза бўйи тупроқда юрломасдингиз. Халқаро фестивалда қишлоқ аҳли қатори оиламиз ҳам анорларимиз билан иштирок этдик. Турмуш ўртоғим тиккан жойнамозлар, кашталар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.
– Худудда анорнинг қандай турлари етиштирилади?
– Варганза анори тенгсиз. Мусаффо тоғ ҳавосида, зилот ва тоза булоқлар сувини ичгани туфайли бошқа жойларникига қараганда ширин ҳамда шифобахш. «Ялтироқ», «Эртапишар», «Улфи», «Тўятиш», «Нордон» каби навлар кўп экилади. Бундан ташқари, «Афғон анори» деган аноримиз бор. Жуда мазали. Меваси



унча катта бўлмаса-да, данаги йўқ. Яқинда Россиядан келган бир сайёҳ шу анорни яқинларига совға учун олиб кетди...
Фестивалга дунёнинг 20 дан ортик давлатидан вакиллар қатнашгани эътирофга лойиқ. Биз меҳмонларга анор етиштириш агротехникаси, қўл меҳнати машаққатлари, сақлаш тартиби ҳақида сўзлаб бердик. Халқаро фестивал сабаб қишлоқда оилавий меҳмон уйлари ташкил қилинди, маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.
Қишлоқда россиялик инвесторлар билан анорни қайта ишлаш ва шартлини қадоқлаш, пўстлогидан тиббиёт учун дори-дармон ҳамда косметология воситалари ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш ҳақида келишиб олинди.

Айни вақтда ҳукумат қарорига кўра, ҳудуддаги 34 йил олдин қурилган Варганза-1 ва Варганза-2 сув насослари тазмирланяпти. Бу эса Қашқадарё сувини 180 метр баландликка ва 3550 метр узунликка чиқариш имконини беради. Натижанда тоғ ён бағирларидаги 500 гектар ерда янги анорзорлар барпо этиш, шунингдек, ёнғоқзорлар яратиш имкониятини яратди.
2020 йилнинг январь-февраль ойларида ер майдонларини тайёрлаш ҳамда март ойда анор кўчатларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Мақсад – боғни 25 сотихдан ишсиз фуқароларга қайта бериш. Шу тариқа 2000 нафар киши иш билан таъминланади, меҳнат қилиб, оиласи фаровонлигига эришади.

Ақмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Ён дафтардан

НАВБАТНИНГ НАВБАТДАГИ ЕЧИМИ
Инсоният навбатда туриш мумкинми? Эҳим топганга ўхшайди. Навбатлар сони ва узунлиги камайиб қолди, деб ўйлаётганимизми? Йўқ, унақа эмас. Одамлар шунчаки қўл телефониди турли-туман уйинлар билан андормон бўлиб, вақт ўтганини билмай қоляпти, холос.

АВВАЛО, ХОҲИСИ КЕРАК
Қандайдир ишимиз пировардида хоҳлаганимизга яқинлашганини истасак, аввалбошдан оқиб бунга жиддий киришимиз керак.

ҲАММОЛНИНГ МАҲОРАТИ
Роль ва пианино ўртасидаги фарқ музаикачи ҳамда тор соловчиға яхши маълум. Оддий ҳаммол эса улардан-да яхши билади.

ОХИРИ ВОЙ
Капта пул ва дур-ғавҳар бошида кўзни қамаштиради, охирида кўр қилади.

КИЧКИНА ФАРҚ
Кучли одам дегани деворни мушт билан теша оладигани эмас, эшикни топа оладиганидир.

САВОЛ
– Одам аккумулятор эмас-ку, нимага ундан «минус» ва «плюс»ларни қидиришди?

КЎЗДАН ҚОЧГАНИ БОШГА ЕТАДИ
Бугун бирон нарсадан бўлар-бўлмаста кўзни юмаверсак, эртага ўша нарсага бошимиз билан урилишимиз ҳеч гап эмас.

ҲАЁТ ИМТИҲОНЛАРИ
Ҳаёт бизни имтиҳон қила бошлаганда дастлабки «икки»ни асарларимиз олади.

ИШОНЧЛИ ЙЎЛ
Аёл билан тортишувда галаба қилишни истайсизми? ...Унда тортишмай қўяқолинг.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ,
профессор

Эслатма

Қурилиш биноларини ёнғиндан асрайлик!

Кундан-кун чирой очиб бораётган гўзал ва бетакор иншоотларга боқиб, кишининг баҳри-дили очилди. Бунёдкорлик ишларини шахримизнинг ҳар бир гўшасида кузатиш мумкин. Баъзи жойларда таъмирлаш ишлари аважда. Бу ҳол ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, ушбу масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш талаб қилинади. Бунинг боиси бор, албатта. Қурилиш меъёр талабларининг бузиллини кўнгилсизликлар келтириб чиқариши, ақсар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Унутмаслик керакки, меҳнат жараёнида эҳтиёт чоралари қўлланган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинган жойда кўнгилсизликларнинг ҳам олди олинмади, қолаверса, қурувчилар бу билан ўзлари ва оила аъзоларининг хотиржамлигини ҳам таъминлаган бўлади.

2163 йилнинг декабри. Буюқ Британия пойтахти. Мана, бир ҳафтадан ошибдики, «Жаҳон футболбо тарихи» музейига келиб-кетувчиларнинг қадами узилмаяпти. Чарм тўп ўйинининг асосий қоидалари ишлаб чиқилгани-ю дастлабки футбол ассоциацияси тўзилганига уч юз йил тўлиши муносабати билан очилган бу даргоҳ кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бевоқиф ФИФА ташаббусига кўра футбол ватанида шундай катта лойиҳага қўл урилди.

Яшанба кун Итон коллежининг ўн чоғли талабаси Лондон четдаги бир ариям гектарча жойда барпо қилинган ўша музейга боришди. Шулар орасида Сюзен деган қиз ҳам бор эди. У футболга унчалик қизиқмас-да, дўстларига эргашиб келди. Ҳарқалай янги маскан. Кўпчилик мақтайпти. Кўнгилсизликлар, аттракционлари, диско клуби, яхшигина ресторани ҳам бор эмиш. Сюзен шунинг учун ўша ёққа боришга қарор қилди.
У ер копток шаклидаги бешта асосий ҳамда яна бир неча чоғроқча биналардан иборат бўлиб, XIX, XX, XXI ва XXII асрлардаги футболга, шунингдек, жаҳон чемпионатларига мўлжалланган. Кўпгаб миллий чемпионатлар, профессионал-ва васскор клублар, терма жамоалар, барча қитъалардаги нуфузли мусобақалар тарихи, машур ўйинчилар-у мураббийлар суратлари, сўнги уч асрдаги ўйинлар видеолавҳалари, футбол оламига бевоқифа ёки билвосита боғлиқ воқеалар тафсилоти ва ҳоказолар – бир пайтнинг ўзида минг-минглаб кишилар шулар билан танишиб, у зайдан бу залга ўтиб боришарди.
Сюзен ўртоқлари билан йўл-йўлак биринчи футбол клуби «Шеффилд Юнайтед»га, қизил ҳамда сариқ карточкаларга, хуштакка, олтин кубокка, мундиаллар асосчиси Жюль Риме, қирол Пеле ва бошқа шахсларга ўрнатилган ёдгорликларини томоша қилди. Сўнг ҳаммалари ажабтовур маълумотлар бўлимига ўтишди. Голграммалар, ҳаво ва деворлардаги электрон тасвирларда турли ёзувлар, суратлар галма-гал акс этарди: ўз дарвозаси ёнидан рақибга гол киритган дарвозабон, Африкадаги бир ўйинда кўпгаб футболчиларни чақмоқ ургани, автогол учун колумбиялик химоячини ўлдиришгани, виртуал ва кибер футболдаги натижалар, 1969 йилдаги саралаш баҳси сабаб Гондурас ва Сальвадор ўртасида уруш чиққани,

1986 йилда Марадона деганлари ингилзлар дарвозасига қўли билан гол ургани, 2078 йилда Ватикан терма жамоаси илк бор мундиалда қатнашгани, XXII асрдаги илк чемпионат Антарктидада ўтказилгани, мундиалда, кўҳна қитъа чемпионатида, Европа чемпионлари лигасида энг кўп чемпион ва совриндор бўлган терма жамоа ҳамда клублар...
Сюзен буларга юзакли кўз югуртирар, футбол ҳақида тасавури унчалик кенг эмаслиги боис уларнинг айримларига тузук-қуруқ тушунмасди ҳам. Қиздан олдинроқда, турган, курсдоши, ашаддий фанат Кристофер эса ҳар бир маълумотни эринмай ўқир, видео ва фотолавҳаларни қай-

тан... Қаранг-а, ўша фожиага икки юз йилча бўлиб қолибди.
Сюзен пахтакорчиларга бирма-бир разм солиб, улар ҳақидаги таъриф-таъсифларини кўздан кечираркан, йигитларга чин дилдан ачинди. Қиз кичкиналигида тарих китобларида ўқиганди: бир вақтлар одамлар самолёт-у вертолёт деган нарсаларда учинган экан. Лекин бундай транспортлар анчайин хавфи бўлган, шу сабаб тез-тез авиалоқатлар юз берган. Эндиликда уларнинг ўрнини эйркар-у эйр-тундлар эгаллаган. XXII асрнинг ярмидан ошибдики, ер юзида ҳали, бирор марта ҳавода фалокат юз бергани йўқ.
Қиз, негадир, «Пахтакор»га қизиқиб

ёзилган бошқа бир бинага кирди. Бу ер фақат жаҳон чемпионатларига бағишланган экан. Ҳаводаги электрон лавҳаларда шу бўйича сон-саноксиз маълумоту суратларни кўриш, финал ўйинларини томоша қилиш мумкин эди. Жаҳон чемпионатларида мўъжазгина Сан-Марино уч марта, Кипр, Лихтенштейн, Фарер ороллари тўрт марта, Фаластин, Гонконг, Тайвань, Гуам ва шу кабилар икки бора, Афғонистон терма жамоаси атиги бир бор қатнашгани дейсизми, тўпурақлар рўйхати дейсизми, Бразилия, Италия, Германия, Нидерландия, Франция, Англия ҳамда бошқа етакчи жамоаларнинг ўйинлари, муҳрланган видео тасвирлар дейсизми...
Туйсуқ Сюзенда эрта сўнган пахтакорчиларнинг ворислари мундиалларда қандай иштирок этишганини билиш иштиёқи туғилди. Шунда шоша-пиша голграмма саҳифаларини сура бошлади. Ора-орада мақол-у ибораларга кўзи тушди: «Ҳамма хоҳласа-ю, ўзинг хоҳламсанг, мундиални тушинда кўрасан», «Футболнинг энг катта ёви – коррупция», «Болалар футболбо йўқ – катталар футболбо йўқ», «Селекция – галабалар калити», «Эшикдан қувийша, тешикдан кирибди» ва ҳоказо. Қиз бу гапларнинг кўпига тушунмади. Аиниқса: «коррупция» дегани нима экан-а?, деб елка қисиб қўйди-да, электрон саҳифалардан ўзига кераклик нарсани излашда давом этди. Аммо ҳарчанд уринмасин, элликдан ортик мундиал ҳақидаги маълумотномаларнинг ҳеч бирида Абдураимов-у Хадзипаногисларнинг, Фёдоров-у Анларнинг издошларини тополмади. Ахйир, экран четида ёзилган куйдаги факта кўзи тушди-ю, ҳайратдан ёқа ушлади: «Ҳозиргача футбол бўйича жаҳон чемпионатларида ФИФАга эъзо мамлакатлар терма жамоаларининг деярли барчаси иштирок этган. Мундиалга чиқмаган фақат битта жамоа қолди. У ҳам бўлса...»
Сюзен ҳўчиб уйғонди. Хайрият, кўрганлари туш экан. Ўзи ҳам ҳайрон бўлган эди-я, шундай жаннатмонанд юрт вакиллари, нахотки, бирор марта жаҳон чемпионатида қатнашмаган бўлса, деб?!



та-қайта томоша қиларди. Айтгандай, у бултур Афғонистонда бўлиб, узоқ йиллик урушдан сўнг ниҳоят тинчлик қарор топган бу мамлакатда ўтказилган жаҳон чемпионати бахсларини стадионлардан қизатган эди. Бирдан ана шу йигит «Вой, бечоралар-э» деб қолди. Сюзен «Нима гап экан?» деган ўйда бир Кристоферга, бир голграммага тикилди. Сўнг экрандаги жумлаларни ўқиди-ю, беихтиёр тўхтаб қолди. Лавҳаларда олис 1979 йилда авиалоқатга учраган «Пахтакор» жамоаси ҳақида сўз борарди. Бир-биридан кўркам, юз-кўзларида шижоат, мардлик, ватанпарварлик акс этган ўн етти нафар футболчи. Улар ўша пайтда дунёдаги энг катта мамлакатнинг чемпионатида юқори ўринлар учун курашган, Европани зир титратган «Динамо» (Киев), «Динамо» (Тбилиси) каби клублар билан тенга-тенг уйнашган. Бу йигитларнинг ўйинини кўргани минг чақиримлаб узоқдан ишқибозлар Тошкентга боришган, мухлислар билан лиқ тулган «Пахтакор» ўйингоҳидаги ўзига хос муҳит, атмосфера «Олд траффорд», «Энфилд» ёки «Ноу камп»дан сира қолишмасди.
Қўл билан голграммани суриб, бу жамоа ҳақидаги бошқа маълумотларни ўқишга тушди: 1956 йил... Ўзбекистон... айрим ўйинчилари бурчакдан голлар ургани... Крассицкий деганлари тўпни зарб билан тепиб, дарвоза тўртини тешиб юборгани... «Пахтакор» айна кучга кирган чоғида самога сочилиб кетганидан сўнг янги жамоа тўзилгани... бир футболчици ёшлар ўртасида Европа ва жаҳон чемпионлиги бўлгани... Клуб ҳақидаги эътиборга молик фактлар шу билан тугаган.
Сюзен шериклари билан бинадан чиқиб, ресторанда нари-бери тамадди қилди. Истар-истамас виртуал футбол ўйнади. Кишининг ваҳмини келтирадиган аттракционларга эса қарагиси ҳам келмади. У, негадир, хомуш тортиб, ўйчан бўлиб қолганди. Кэтрин, Майк деган ўртоқлари бунни сезиб, «Сенга нима бўлди, Сюзен?» деб сўраша, қиз ўзига-ўзин айтгандек «Ҳеч нарса», деди. Ҳалиги пахтакорчилар ҳалидан сира кетмас, атрофга бепарво боқарди.
Шу тариқа у шериклари ортидан пештоқиға катта қилиб «Мундиаллар» деб

Футбол ҳақида ўйлар

ёзилган бошқа бир бинага кирди. Бу ер фақат жаҳон чемпионатларига бағишланган экан. Ҳаводаги электрон лавҳаларда шу бўйича сон-саноксиз маълумоту суратларни кўриш, финал ўйинларини томоша қилиш мумкин эди. Жаҳон чемпионатларида мўъжазгина Сан-Марино уч марта, Кипр, Лихтенштейн, Фарер ороллари тўрт марта, Фаластин, Гонконг, Тайвань, Гуам ва шу кабилар икки бора, Афғонистон терма жамоаси атиги бир бор қатнашгани дейсизми, тўпурақлар рўйхати дейсизми, Бразилия, Италия, Германия, Нидерландия, Франция, Англия ҳамда бошқа етакчи жамоаларнинг ўйинлари, муҳрланган видео тасвирлар дейсизми...
Туйсуқ Сюзенда эрта сўнган пахтакорчиларнинг ворислари мундиалларда қандай иштирок этишганини билиш иштиёқи туғилди. Шунда шоша-пиша голграмма саҳифаларини сура бошлади. Ора-орада мақол-у ибораларга кўзи тушди: «Ҳамма хоҳласа-ю, ўзинг хоҳламсанг, мундиални тушинда кўрасан», «Футболнинг энг катта ёви – коррупция», «Болалар футболбо йўқ – катталар футболбо йўқ», «Селекция – галабалар калити», «Эшикдан қувийша, тешикдан кирибди» ва ҳоказо. Қиз бу гапларнинг кўпига тушунмади. Аиниқса: «коррупция» дегани нима экан-а?, деб елка қисиб қўйди-да, электрон саҳифалардан ўзига кераклик нарсани излашда давом этди. Аммо ҳарчанд уринмасин, элликдан ортик мундиал ҳақидаги маълумотномаларнинг ҳеч бирида Абдураимов-у Хадзипаногисларнинг, Фёдоров-у Анларнинг издошларини тополмади. Ахйир, экран четида ёзилган куйдаги факта кўзи тушди-ю, ҳайратдан ёқа ушлади: «Ҳозиргача футбол бўйича жаҳон чемпионатларида ФИФАга эъзо мамлакатлар терма жамоаларининг деярли барчаси иштирок этган. Мундиалга чиқмаган фақат битта жамоа қолди. У ҳам бўлса...»
Сюзен ҳўчиб уйғонди. Хайрият, кўрганлари туш экан. Ўзи ҳам ҳайрон бўлган эди-я, шундай жаннатмонанд юрт вакиллари, нахотки, бирор марта жаҳон чемпионатида қатнашмаган бўлса, деб?!

Ҳойибона меҳри тушиб, кўнгли тўридан жой олган юртда бошқа соҳаларда бўлгани каби футболда ҳам ислохотлар ўз самарасини астойдил истагани ҳолда ўзига ўзи деди:
– Мана, кўрасизлар, яқин йиллар ичида Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида, албатта, қатнашади!
Ажнабий мухлислар шундай деб турганда, нима, биз қаршилиқ қилармидик?! Фақат истардикки, ўша кунлар тезроқ келисин!

Рустам ИБРАГИМОВ,
«ISHONCH»

ЭЪЛОНЛАР

«FARG'ONA MULK SERVICES» МҲҲДА бошланғич баҳоси бошқича-бошқича олиб бериш тартибда ўтказилган оғир аукцион савдоларида «Фаргона нефтин» қайта ишлаш заводи МҲЖнинг 10.10.2019 йилдаги 21-22/53-сонли хатига асосан носоз ҳолдаги куйдаги теҳниклар қўйилмоқда:

1. Бошланғич баҳоси – 39 142 650 сўм бўлган, давлат рақами 40 2348 АА, 2012 йилда ишлаб чиқарилган «СUNADAR» русумли ярим тиркама транспорт воситаси.
2. Бошланғич баҳоси – 39 142 650 сўм бўлган, давлат рақами 40 4839 АА, 2012 йилда ишлаб чиқарилган «СUNADAR» русумли ярим тиркама транспорт воситаси.

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 29 ноябрь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар қабул қилинган кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охири мuddати: 2019 йил 27 ноябрь соат 16:00.

Талабгорлар диққатига!
Юқорида кўрсатилган теҳниклар 2019 йилнинг 23 ноябрдан кийин қайта савдога сотилмаган тақдирда, тақрирор савдолари 2019 йилнинг 6 декабрь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Тақрирор савдога аризалар қабул қилиш аукцион досидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган теҳниклар ҳақидаги маълумотлар «Фаргона нефтин» қайта ишлаш заводи МҲЖнинг транспорт бўлими вакили иштирокчи бевоқифа жойига чиқиб яқиндан танишишлари мумкин.

Савдо қилиб деб топилган шахста 10 (ўн) иш кунини ичида сотушни билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурий қилинади.

Талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заволат пусини заклат келишу шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVICES» МҲЖнинг ХАБ «Трасбокс» Фаргона филиалдаги куйдаги хисобрақамга тўлашлари лозим: Х/Ҳ: 2260 4000 6003 9634 2001. МВСО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожат учун манзил: Фаргона шаҳри, С.Темир кўчаси, 45-уй, 3-қават, 7-хона. Тел: +99895-402-54-75.

Республика № 1894.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаининг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқмади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳорис келишидан нарҳда.

Таҳририят хисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001.
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фаргона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нўқтани назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Х. Норбоев

Мусакхиз:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

ЎЗА яқини – **01:55**
Топширилди – **02:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ҳ-1017. 27692 нўссадда босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6